# КЕЧА ВА БУГУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

**ИЛГАРИ...**

Мен ҳалиям Сталин замонини эслаётганим йўқ. «Қордан қутилиб, ёмғирга тутилган» кейинги, Хрушчёв замонини айтяпман. Хрушчёвнинг ишқи маккажўхорига тушиб, ҳамма ёққа фақат маккажўхори экилди. Аммо мол туёғи қирилиб кетди...

Ўзбекнинг, айниқса деҳқоннинг тирикчилиги -- мол билан. Ўзбекнинг нимаси кўп -- тўйи кўп. Ана шундай тўй пайтларида мол унинг жонига оро киради. Аммо ўша пайтда бир хонадонда биттадан ортиқ мол бўлиши мумкин эмасди. Баъзан кечалари босқин бўлиб, мол сони текширилар, биттадан ортиғи олиб кетилар эди... Биттадан ортиқ мол сақлаган одам жонини ҳовучлаб яшарди... Хуллас, бу даврларда ҳақиқатан амал қилинадиган ягона даъват -- «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», яъни ҳамма ёппасига камбағал бўлсин, деган шиор эди.

**ҲОЗИР...**

«Ошинг ҳалол бўлса - кўчада ич» замони. Ҳар кимнинг иноникхтиёри ўзида. Кимнинг нимага қурби етса - марҳамат, қилсин. Уддабуронлик, тадбиркорлик, меҳнат билан бойиса --ҳалоли бўлсин...

**ИЛГАРИ...**

Миллатнинг гули қирилиб кетди. Ниҳоятда бой тарихимиз, маданиятимиз бўлишига қарамай, «сенлар жоҳил эдинглар, биз одам қилдик», деган таънадашномлар юкидан қаддимиз эгик, бошимиз хам эди. «Йўқ, бизнинг мана бундай аждодларимиз бор!» деёлмасдик. Алишер Навоий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбекдан бошқа буюк аждодларимизнинг номи ҳам қатағонга учраган эди... Ҳайриятки, номлари зикр этилган бобокалонлармиз номини бутунлай ўчириб юборишга ўша, замона зўрларининг ҳам кучи етмади...

**ҲОЗИР...**

Руҳи доимо халқ билан бирга бўлишига қарамай, номи «сургун»га маҳкум этилган буюк соҳибқирон Амир Темур юртига қайтиб келиб, ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллади. Гап буюк бобомизнинг номи, эъзози тиклангани, унинг улкан таваллуд тўйи мамлакатимиздагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам кенг нишонлангани хусусидагина бораётгани йўқ.

У буюк зотнинг Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида қад кўтарган хайкалларига бир назар ташланг! Тошкентга буюк саркарданинг от миниб кириб келиши унинг: «Куч -- адолатдадир!» деган ҳикматли шиорини эслатмайдими?..

1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилиниб, йил бўйи Ҳазратнинг тўйини тўй-тўйладик.

Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур сингари буюк аждодларимизнинг ҳам таваллудларини кенг нишонлаб, хотираларини ёд этдик...

Ёвузлик салтанати қурбони бўлган жуда кўп ватандошларимизнинг пок номлари тикланди, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Файзулла Хўжаев сингари юрт фарзандларининг таваллуд тўйлари нишонланди, нишонланиш арафасида турибди...

Хуллас, ким ниҳоятда мутафаккиру ким жоҳил экани аён бўлди-қолди...

**ИЛГАРИ...**

Биз -- Аллоҳ Таолонинг назари тушган халқ (Аллоҳ назар қилмаса, битта халққа шу қадар кўп буюк фарзанд ато бўлармиди!) нене азобларни бошимиздан ўтказмадик... Зиёли бўлса, фарзанд отаси ёки онасининг, жигар жигарининг жанозасида қатнаша олмасди. Масжидларда жамоа бўлиб намоз ўқиш, ҳаж қилиш сингари фарзу суннатлар-ку, буюк армон эди бизга...

**ҲОЗИР...**

Худони қайтадан танидик, Парвардигори олам ҳам бизга қайтадан назар қилди. Ҳамма иш кўнгилдагидай кетяпти, дин ҳаётимиздан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Умра сафарларидан ташқари, ҳар йили 3 мингдан ортиқ юртдошларимизга ҳаж ибодатини адо этиш учун тўла шароит яратилган. Халқимиз Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳазрат ат-Термизий сингари улуғ сиймолар таваллудини кенг нишонлади. Ислом оламининг энг буюк, энг табаррук намояндаларидан бири Хожа Исмоил ал-Бухорийнинг янаги йил бўладиган улкан тўйига катта тайёргарлик кетмоқда...

**ИЛГАРИ...**

Ўзбекда «темирчи тақага ялчимас», деган доно нақл бор. Бу нақл Ўзбекистонга жуда мос эди. Пахта, пилла, олтин... хуллас, бой заминимизнинг усти-ю остидаги барча ноёб нарсалар ташиб кетиларди-ю, ўзимиз икки бармоқни бурнимизга тиқиб қолаверардик.Тўртта михни ҳам Москвадан сўраб олардик. Москвага муте эдик...

Халқимиз раҳбарларнинг доносини ҳам кўрди, нодонини ҳам. «Ўзингдан чиққан балога -- қайга борасан давога», деганларидек, нодон раҳбарлар хўжайинлари ноғорасига ўйнаб, имкони қадар халқни сотди. Лекин, Худога беҳисоб шукрлар бўлсинки, доно раҳбарлар ўша замонларда ҳам зукколик билан иш тутиб, Москванинг кўзини шамғалат қилиб, халққа жуда кўп нарса қолдириб кетди.

Лекин, барибир, ҳар бир қадамни Москванинг розилиги билангина ташлашимиз керак, заррача бўлса-да, унинг измидан чиқишимиз мумкин эмас эди.

**ҲОЗИР...**

Ҳозир қилинаётган ишларни кўриб, Москва бизни нақадар шипшийдам қилиб қўйганига амин бўласиз. Атиги беш йил ичида юз берган ўзгаришлар Совет давридаги етмиш беш йилгагина эмас, ундан анчагина кўпига ҳам татийди. Асака, Мурунтов, Кўкдумалоқ, Қамчиқ... Булар -- энг йирик иншоотларнинг айримлари, холос. Улардан ташқари, қанча-қанча завод, фабрика, йўл, темир йўл шохобчалари қурилмади дейсиз! Шаҳар-қишлоқларимиздаги қурилиш, ободончилик ишларичи! Ҳамдўстликдаги биронта давлат бундай қамров билан мақтана олмайди!

Кечагина бирон-бир Шарқ мамлакатига борадиган бўлсак, самолёт Тошкентга қўниб ўтишига қарамай, олдин Москвага борар, самолётга ўша ерда чиқар, кейин Тошкентга келар, аммо бу ерда самолётдан чиқолмас эдик. Қайтишда ҳам аҳвол шу - самолёт Тошкентга қўнарди, лекин биз тушиб қололмас, албатта Москвага боришга, кейин у ердан қайтиб келишга мажбур эдик. Ҳозир «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг «Боинг», А-300 самолётлари Нью-Йорк дейсизми, Лондон дейсизми... дунёнинг энг узоқ жойларидаги энг йирик шаҳарларга учиб турибди...

**ИЛГАРИ...**

Дунё харитасида Ўзбекистон деган давлат йўқ эди. У фақат СССР харитасидагина мавжуд эди, холос. Бироқ, хориждаги кўпгина давлатлар ва уларнинг халқлари СССР деган давлатни ҳам билмас, уни Россия деб атарди. Бинобарин, хорижликлар учун СССР худудидаги барча халқлар рус ҳисобланарди. Иккинчи жаҳон урушида жон олиб жон берган, қурбон бўлган ўзбеклар ҳам Россия фуқароси, гўё рус кишиси ҳисобланган...

Конституциямиз, байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз бор эди-ю, биз уларнинг бирортасини ҳам ҳис қилмасдик. Чунки уларнинг барчаси номигагина мавжуд эди-да...

**ҲОЗИР...**

Байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида ҳилпираб турибди. Бу -- Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар сафида ўзининг муносиб ўрнига эга, деган гап. Ўзбекистон ўз Президенти сиймосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан ҳам, бошқа жуда кўп нуфузли халқаро анжуманларда ҳам оламшумул масалаларни кўтариб чиқмоқда. Жаҳоннинг кўпгина нуқталарида делегацияларимиз шарафига байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграяпти.

Конституциямизга қатъий риоя қилган ҳолда демократик жамият қуряпмиз...

Юртимиздаги кенг, обод кўчалар, маҳсулотга тўлиб-тошган бозорлар, чиройли биноларни, тобора кўпайиб бораётган автомобилларимизни, пойтахтимиздаги элчихоналар, бошқа хорижий ваколатхоналарни, хорижлик дипломат, ишбилармон, меҳмонларни кўриб, кишининг кўнгли фахр туйғусига тўлиб кетади, коммунистик режимда ўтган шунча йиллик даврга, истибдодда кечган шунча йиллик умрига афсусланади...

Мен кеча-ю бугуннинг айрим фарқларини тилга олдим, холос. Чунки уларнинг ҳаммасини санаб адо қилиш қийин. Мана шу, саналган фарқларни таққослашнинг ўзи ҳам «Мустақиллик дегани шу бўлади!» деган хулосага келиш имконини беради.

Ҳа, Мустақиллик деганда мен шуларни кўраман.

Буларнинг барчасининг қадрига етсак, шунчалик қисқа вақт ичида қўлга киритган улкан бойлигимизни асраб-авайласак,сархушлик кайфиятидан воз кечиб, ҳушёрликни қўлдан бермасак, неъматларнинг неъмати -- Мустақилликни ато этгани учун Аллоҳга шукрлар айтишни унутмасак, некбин бўлсак, марра бизники, ошиғимиз олчи бўлаверишига ишончим комил!

(ЎзА).

***

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУШЁРЛИККА ЧАҚИРДИ

***Жазоир Президенти Ламин Зеруал мамлакат фуқароларини сўнгги вақтларда террорчилик ҳаракати кучайиб бораётганлиги муносабати билан ҳушёрликка чақирди.***

Президент навбатдаги йиғилишда сўзлар экан, ислом аслиятчиларини ҳукуматнинг мамлакатда барқарорликни таъминлаш юзасидан олиб бораётган ҳаракатларига тўсқинлик қилаётганликда айблади.

Кейинги ҳафталар ичида Жазоирда террорчилик натижасида 300 дан ортиқ киши ҳалок бўлган. 1992 йилдан буён эса ислом жангарилари 100 мингдан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган.

## БОШ ВАЗИР САЙЛАНДИ

***Комбоджа парламенти янги биринчи Бош вазирни сайлади.***

Шу вақтгача мамлакат ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаб келган Унг Хуот шаҳзода Нородом Ранаритнинг ўрнини эгаллади. Унг Хуотнинг номзоди учун мамлакат қонун чиқарувчи маҳкамаси депутатларининг учдан икки қисми овоз берди.

## ОҚ КАБУТАРЛАР ПАРВОЗИ

***Япониянинг Хиросима шаҳрида атом бомбаси қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Бундан 52 йил аввал, 1945 йилнинг 6 августида ташланган ядро бомбаси 140 минг нафар фуқаронинг ҳаётига зомин бўлган эди.

Хотирлаш маросимида Япония Бош вазири Рютаро Хасимото ҳам иштирок этиб, жамоатчиликни дунёдаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиб, ядросиз дунёни яратишга чақирди.

## ЖАРАЁН ОҒИР КЕЧМОҚДА

***Араб давлатлари лигаси (АДЛ) Исроилнинг Фаластин ҳудудига нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаётганини қоралаб чиқди. Ушбу ташкилот куни кеча фавқулодда йиғин ўтказиб, ана шундай баёнот қабул қилди.***

Фаластинга нисбатан иқтисодий блокада ўтган ҳафта -- Қуддусда содир бўлган қўпорувчилик ҳаракати натижасида 15 нафар киши қурбон бўлганидан сўнг Исроил томонидан ўрнатилган эди. Араблар ташкилоти аъзоларининг қўшма баёнотида айтилишича, Исроил ҳукумати Фаластин маъмуриятини ушбу террористик актларда айблаши ҳақиқатга яқин эмас. АДЛ яҳудий давлатининг мазкур тақиқини бекор қилиш мақсадида «Яқин Шарқ тинчлик жараёни»нинг ҳомийлари АҚШ ва Россия, шунингдек, Европа Иттифоқи ва БМТни ўз муносабатини билдиришга чақирди.

5 август куни Миср Президенти Ҳусни Муборак Исроил ташқи ишлар вазири Давид Леви билан учрашувидан сўнг, Исроилнинг блокадаси Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофатнинг мавқеини тушириб юборади ва тинчлик жараёнига жиддий зарар етказади, деди журналистларга.

-- Мен Исроил ҳукуматини юзага келган вазиятни бартараф этишга ва тинчлик музокараларини қайта тиклаш томон қадам ташлашга даъват этдим, -- деди Ҳусни Муборак.

Яқин кунларда Исроил -- Фаластин муносабатларидаги инқирозни ечиш йўлларини ахтариш мақсадида Тел-Авивга Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусо бориши кутилмоқда.

Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху эса ҳозирча Фаластин ҳудудида қамал ҳолатини бекор қилиш тўғрисидаги талабларни рад этмоқда. У Фаластин маъмуриятини Исроил билан тузилган тинчлик битимига амал қилмасликда айблаб, «тинчликка фақат бир томонлама эришилмайди», деб таъкидлади.

7 август куни АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уйда брифинг ўтказиб, Яқин Шарқ муаммосига ҳам тўхталди. У Исроил-Фаластин муносабатидаги сўнгги ўзгаришларга муносабат билдирар экан, «тинчлик жараёни икки томонлама ҳаракатланадиган кўчага ўхшаши лозим» дея таъкидлади. Президент Яқин Шарққа ўзининг махсус элчиси Денни Россни юбораётганини журналистларга маълум қилиб, элчи Б. Нетаньяху ҳамда Ё. Арофат билан хавфсизлик масалаларида музокаралар ўтказишини айтди. Б. Клинтоннинг таъкидлашича, агар Д. Росснинг мазкур миссияси муваффақиятли кечса, унинг ортидан АҚШ Давлат котиби Мадлен Албрайт сафар қилади.

Исроил ҳукумати 7 август куни Фаластин мухториятига нисбатан қўллаётган қамалини «бир оз юмшатди». Шу кундан бошлаб мухторият ҳудудига кундалик эҳтиёжда ишлатиладиган маҳсулотларни олиб кириш мумкин. Аммо Исроилга арабларни киритмаслик ҳақидаги тақиқ ҳамон ўз кучида қолмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири
**Х. АБДУРАХМОНОВ тайёрлади.**

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

***

*«ХАЛҚ СЎЗИ» АРАЛАШГАЧ...*

## ХОНАДОНДА ГАЗ ЁНАДИ

*«Халқ сўзи» газетасининг доимий мухлисиман. Унинг саҳифаларида босилаётган мақолаларни қизиқиш билан ўқиб бораман. Ўзим қирқ йилдан ортиқ мактабда ўқитувчилик қилдим, -- деб ёзган эди Амударё туманида яшовчи саксон ёшли отахон Холмурод Отамуродов бизга юборган хатида. -- Фарзандларим уйли-жойли. Худога шукур, юртимизнинг мустақиллигини кўриш, шу кунларда яшаш насиб этди. Энди муддаога ўтадиган бўлсак, 1992 йилда хўжалигимиздаги хонадонлар газлаштирилди. Қўшниларимиз уйида табиий газ ёна бошлади. Ўша пайтда хўжаликнинг маблағи етмай қолдими ёки бошқа сабаб бўлдими, олти оила бу қувончдан бебаҳра қолдик. Мана шунга ҳам беш йил бўляпти. Ўтган йиллари ҳам хат ёзган эдик. Лекин дардимизни тинглайдиган раҳбар топилмаяпти».*

**Ушбу шикоят текшириш учун Амударё тумани ҳокимлигига юборилган эди. У ердан қуйидаги жавоб олинди:**

«Тўлқин» жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Холмурод Отамуродовнинг «Халқ сўзи» газетасига ёзган шикоят хати Амударё тумани ҳокимлигининг етакчи мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Текширишда ҳақиқатан ҳам олти оила газлаштирилмай қолганлиги аниқланди. Мазкур турар жойларни табиий газ билан таъминлаш мақсадида лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

Бу ишлар учун сарфланадиган маблағни ажратиш «Тўлқин» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Матназаров зиммасига юклатилди. Қурилиш ишларини бажариш Манғит қурилиш-монтаж бошқармасига топширилди.

Айни пайтда хўжалик ҳисоб рақамида етарли миқдорда пул бўлмаганлиги сабабли, бу ишларни 1997 йилда қишлоқ хўжалигидан тушадиган даромад ҳисобига амалга ошириш режалаштирилди. Унинг бажарилиши туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.

**Ф. ЭРМАНОВ,**
**Амударё тумани ҳокими».**

***



*Тикувчилик аёлларга хос касб. У момолардан мерос, давомий анъана ҳамдир. Уларнинг нозик дидлари маҳсули ила тайёрланган нафис, бежирим кийимлар ҳаммамизга хуш ёқади.*

*Қарши туманида ташкил қилинган «Мухниса» хусусий фирмаси тикувчилари ҳам ана шундай чиройли кийимлар тикиб, халқимизга тортиқ этишмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** *тикувчилар Нафиса Нарзиева ва Санобар Раҳимова.*

Тўлқин КАРИМОВ олгар суратлар.



***

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● ***АНДИЖОН:***

## ШАҲАР ЯШАРМОҚДА

***Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи андижонликларнинг энг севимли, кишилар билан ҳамиша гавжум, файзли, тароватли оромгоҳи ҳисобланади.***

Кейинги пайтда шаҳарнинг деярли барча кўчалари, майдон ва хиёбонларини ободонлаштириш, йўл бўйларини кўкаламзорлаштириш сингари ишларга оммавий киришилди. Шаҳар бош режаси асосида Комил Яшин, Амир Темур ва Бобур номли шоҳкўчаларда бунёдкорлик ишлари охирига етказилмоқда.

Навоий номли боғга кираверишда узунлиги 40, баландлиги 12 метрли улкан гумбазли арк ҳам қад ростлаётир. Арк олдида иккита фаввора, яшил майдон ташкил этилади. Унинг бешта устунига оқ мармардан «либос» кийдирилади. Гумбазларга ҳазрат Навоийнинг машҳур «Хамса» достони қаҳрамонлари чизилади. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик байрами кунига қадар «Наврўз» ўйингоҳи, Мустақиллик, Қаҳрамонлар хиёбонлари, айланма йўл меъморчилик мажмуаси шаҳар кўркига-кўрк қўша бошлайди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ.**

● ***ФАРҒОНА:***

## ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

***Учкўприк туманида хусусий даволаш муассасаси иш бошлади.***

Уни олий тоифали врач Акромжон Қодиров ҳамқишлоқлари ҳомийлигида ва шахсий маблағи ҳисобига бунёд этди.

Муолажа комплексида хирургия, гинекология, стоматология бўлимлари мавжуд. Яқин орада кардиология, физиология ва шифобахш ўсимликлар билан даволаш бўлимлари ҳам очилади.

**Н. СОБИР.**

● ***ЖИЗЗАХ:***

## ЧИННИ БИЛАН РАҚОБАТЛАШАДИ

***Вилоят марказидаги «Алишер» масъулияти чекланган жамоа аъзолари халқ ҳунармандчилиги анъаналарига содиқ қолиб, аҳолига ўн етти турдаги сопол идишлар етказиб беряпти.***

Жиззахлик кулоллар ясаган уй-рўзғор буюмлари, амалий санъат асарлари МДҲ давлатларида ўтган барча кўрик-танловларнинг совринига мушарраф бўлган. Мустақиллик байрамигача корхонада яна иккита хумдон ишга туширилади. Уларда пиширилган идишлар чинни буюмлар билан бемалол рақобатлаша олади.

**Ҳ. НАБИРАЕВ.**

● ***НУКУС:***

## СОФ ФОЙДА ОРТА БОШЛАДИ

***Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» ширкатлар уюшмаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Нафосат» тўқув ва тикувчилик фабрикасида ҳозир 300 дан ортиқ киши ишламоқда.***

Корхонада йилига 11-13 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2-3 миллион сўм соф фойда олиняпти. Корхонанинг Тошкент, Тўрткўл, Манғит, Москва шаҳарларида ўз савдо бўлимлари ишлаб турибди. Қўшни давлатлардаги бир қатор корхоналар билан ҳам иқтисодий ҳамкорлик ўрнатилган.

Бу ерда маҳсулотлар фақат қатъий буюртма асосида тайёрланмоқда. Бу тайёр маҳсулотларнинг тезда сотилишига имкон бераяпти.

**Ҳ. АБДУСОДИҚ.**

***

● *СИРЛИДИР ФАН ОЛАМИ*

# БИР ИШЛАНМА ИНШОСИ

***У ишлаб чиқаришга жорий этилса, самарасини фақат пул билан чақиб бўлмайди***

***Дам олиш кунларидан бирида танишим мени қадрдон дўстиникига олиб борди. Бир пиёла чой баҳона бўлди-ю, мезбон -- Шокир Маманазаров билан бир пасда ака-ука бўлиб қолдик. Ғўлабирдай бу йигит ғоят дилкаш эди. Илгари у пойтахтдаги заводларнинг бирида механик бўлиб ишлаган экан. Бир неча йил аввал эса касбини ўзгартирибди -- ҳуқуқшуносликни танлабди. Бу ҳол каминани таажжублантирди. Сабабини суриштирмоқчи бўлдим-у, истиҳолага бордим. Аммо унинг ўзи қалб «дафтари»ни варақлашга тушди...***

-- Цехимизда ҳаво тозаловчи вентилятор бўларди, -- деди у. -- Қачон қарасанг, тариллагани-тариллаган. Бир куни ишдан кейин қолиб, уни созлашга аҳд қилдим. Вентилятор тўртта больт ёрдамида қотирилган бўлиб, учтаси бўшаб қолган экан. Бирини энди қотиришга киришганимда, вентилятор ишлаб турган эмасми, яшин тезлигида ҳавога қараб учдию, ҳаял ўтмай ерга жаранглаб тушди. Шунда қуввати 1,5 киловатт двигатель айланишининг тезлиги минутига 1500 га етганда вентилятор диаметри 10 миллиметрлик больтни узиб, чириллатиб учириб юборганидан ҳайратга тушдим. Дафъатан хаёлимдан бир фикр ўтди: двигатель айланишининг тезлиги 10 баравар оширилса, у диаметри 100 миллиметрлик больтни ҳам узиб юбориши мумкин экан-да? Агар 10 миллиметрлик больтнинг узилиш қувватини 5 тонна деб олсак, унда 100 миллиметрлигининг синиш қуввати 50 тоннадан ошадику? Бу йирик электр машинаси яратилди дегани эмасми?

Шу-шу, бу ғоя менга тинчлик бермай қўйди. Аммо «Электр машинасининг айланиш тезлигини қандай қилиб ошириш мумкин?» деган муаммо ҳадеганда ҳал бўлавермади. Маълум муддат ўтгач, ниҳоят, ишимиз юришиб кетди.

Биз устахона шароитида двигателнинг айланиш тезлигини минутига 1500 тадан 6000 тага кўпайтирдик. Айни чоғда унга редуктор улаб, двигателнинг тезлигини 4 баравар пасайтирган ҳолда редукторнинг чиқиш вали айлантириш қувватини шунча марта кўтардик. Редуктор ўқига 4 киловатт қувватли генератор уланганда, 4 квт электр қуввати ҳосил бўлди. Шу қувват ёрдамида эса 4 киловаттга тенг электр лампочкалар занжири ёқилди. Бинобарин, ортиқча 3 киловатт электр қуввати ишлаб чиқарилди. Мабодо мазкур электр қуввати стабилизатор орқали яна двигателга қайтарилса «цикл» ҳосил қилинади. Ва ортиқча 3 квт энергияни иш бажарувчи, яъни ғилдиракларни айлантирувчи электродвигателга ёки ҳар қандай истеъмолчига бериш мумкин.

Янги электр машинасининг самараси нималардан иборат? Экологик муҳитнинг 90-95 фоиз тоза бўлишига кафолат беради, катта миқдорда ёқилғи-энергетика ресурслари тежалади, меҳнат унумдорлиги эса 50 ва ҳатто ундан ортиқ фоиз ортади ва ҳоказо...

Суҳбатдошим жим қолди. Афтидан, у ўзи яратган ишланма силсиласига ғарқ бўлган эди.

-- Нима учун уни ҳалигача ишлаб чиқаришга жорий этмадингиз? -- дея савол бердим унга.

-- Кўп йиллар давомида заводлар, тегишли муассасалар эшигига кириб чиқдик. Мени қўллаб-қувватловчи одам топилмади. Ачинарлиси шуки, мутахассислар бу ишнинг «сирли нуқталари»ни очиб беришларини талаб қилишди. Одатда ихтирога патент берилмагунча «сирлар» очилмайди. Шу боис бунга кўнмадим. Кейин... этагим барини йиғиштирдим-у, бошқа ишга ўтиб кетдим.

Мен уни тушундим. Лекин ҳозир замон бошқа. Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз равнақига ҳисса қўшадиган бундай ишланмалар ижобат топмоғи керак. Бунга республика Фан-техника давлат қўмитаси мутахассислари шояд эътибор берсалар, айни мудао бўлурди», деган ниятда ушбуни қоғозга туширдим.

**И. ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

